

«Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги  
ШАРТНОМА

№ 06-01 \_\_\_\_\_ 2022 й.

№ 19

Навоний шаҳри

«Маҳсулот етказиб берувчи» деб аталувчи «Навоний нефть базаси» масъулияти чекланган жамияти номидан унга 2021 йил 30 декабрда берилган 01-12/01-1507-сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Сотиш бўлими бошлиғи Ғ.Эсанов бир томондан ва «Истеъмолчи» деб аталувчи Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар вазирлиги асосида иш юритувчи А. А. Нурафаров номидан иккинчи томондан, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. «Маҳсулот етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмасига мувофиқ тегишли русум ва микдордаги нефть маҳсулотларини етказиб бериш, «Истеъмолчи» эса нефть маҳсулотлари учун олдиндан ҳақини тўлаб қабул қилиб олиш мажбуриятларини ўз зиммаларига олади.

1.2. Етказиб бериладиган нефть маҳсулотлари микдори, баҳоси ва муддатлари куйидаги жадвалда белгилаб кўйилади.

Маҳсулотнинг номи	Ўлчов бирлиги	Нархи (кўшимча қиймат солиғи билан)	Микдори	Суммаси	Етказиб бериш даври
Бензин Ач.91	Тонна	11 864 852	0,450	5789183,40	

**2. МАХСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

2.1. «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг ҳисоб рақамига «Истеъмолчи»нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефть маҳсулотлари учун олдиндан 100 фоиз тўловлар келиб тушгандан сўнг нефть маҳсулотлари етказиб берилади.

2.2. «Истеъмолчи»да нефть маҳсулотларини, саклаш учун идоравий нефть омбори ҳамда нефть маҳсулотларини ташини учун маҳсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефть маҳсулотлари уларнинг автотранспортга юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг нефть омборида амалга оширилади. Маҳсулот «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг омборидан «Истеъмолчи»нинг вақили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт хужжатлари расмийлаштирилган сана «Маҳсулот етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. «Истеъмолчи»нинг маҳсус автотранспорт воситаси ва сирими «Хавфли юкларни ташини кондалари»га ҳамда 1510-84 сонли Давлат стандарти шартларига мувофиқ жиҳозланган бўлиши лозим. Акс ҳолда автотранспорт воситалари нефть омбори ҳудудига киритилмайди ва уларга нефть маҳсулотлари куйилишига руҳсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг буш келиб-кейтиши учун «Маҳсулот етказиб берувчи» жавобгар бўлмайди.

2.3. Нефть маҳсулотлари «Истеъмолчи»га унинг вақили кузатувида «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг маҳсус транспорт воситасида етказиб берилса, автосингм копкоги ГОСТ 1510 асосида «Истеъмолчи» вақилининг талабига мувофиқ тамағланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг нефть омборида амалга оширилади. Товар-транспорт нақлиёти расмийлаштирилган сана «Маҳсулот етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.4. Нефть маҳсулотлари «Маҳсулот етказиб берувчи»га тегишли бўлган ёнлиги тарқатиш шаҳобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун «Истеъмолчи»нинг ишончномасига мувофиқ маҳсулотни ёқилиги тарқатиш шаҳобчасидан олиш тўғрисида руҳсатнома расмийлаштирилади. Мазкур руҳсатнома «Истеъмолчи»нинг вақили томонидан ёнлиги тарқатиш шаҳобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида тарқатиш ырақаси юритида. «Истеъмолчи» вақилига берилган маҳсулот микдори тарқатиш ырақасига киритиб борилади. Тарқатиш ырақасида «Истеъмолчи»нинг вақилининг маҳсулотни микдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо кўйилган сана, «Маҳсулот етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. «Харидор»нинг вақили нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва микдорини жойида текшириб олади. Маҳсулот юкланган автотранспорт воситаси «Харидор» вақили кузатувида «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг нефть омбори ҳудудидан чиқарилгандан сўнг маҳсулот микдори ва сифати бўйича жавобгарлик ва маҳсулотга эғалик ҳуқуқи, тасодиқий нобуд бўлиши, нефть маҳсулотларига зиён етиш хавфи «Харидор» зиммасига ўтади. «Харидор» вақили кузатувида олиб кетилган маҳсулот микдори ва сифати бўйича эътироз қабул қилинмайди.

**3. ЎЗАРО ҲИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ**

3.1. Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС билан 5789183,40 сўмни ташкил қилади. Тўловлар куйидаги манбалардан амалга оширилади:

Бюджет маблағлари ҳисобидан 5789183,40 сўм;  
Маҳсус ҳисоб рақамдан \_\_\_\_\_ сўм.

3.2. Ушбу шартнома маҳсулот етказиб бериш ва ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос бўлади.

3.3. Бюджет ташкилотларига, пахта хомашёси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер хўжалиқларига ва пахта-тўқимачилик кластерларига, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ, маиший чикидиларини тўллаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналари (истеъмолчиларнинг айрим тоифалари)га дизел ёқилгиси (шу жумладан ЭЖО маркази дизел ёқилгиси) ўрнатилган тартибда биржа савдолари натижаларига кўра шакланган ўртача биржа нархларида сотилади.

3.4. Ушбу шартноманинг 3.3. бандида назарда тутилган айрим тоифадаги истеъмолчилардан ташқари бошқа истеъмолчиларга маҳсулот етказиб берилиши санаида нефть базанда шакланган сотиш нархида маҳсулот етказиб берилади.

3.5. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларининг харид қилинадиган партиясини учун ҳақини олдиндан 100 фоиз микдорда «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига тўлайди. Олдиндан тўлов пули кўчирини йўли билан амалга оширилади. Пул маблағи «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг ҳисоб рақамига келиб тушгач маҳсулот етказиб берилади.

3.6. Мазкур шартномада шартнома тузилиши жараёнида ва санаида амалда бўлган нархи қўлланилган бўлиб, ўзаро ҳисоб китоблар маҳсулотни «Истеъмолчи»га етказиб берилиши санаида амалда бўлган нархларда амалга оширилади.

3.7. Ҳар ойнинг якуни бўйича ўзаро ҳисоб китобларни таккослаш учун «Истеъмолчи» вақилининг «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг ҳузурига юборлади. Якуний ҳисоб китоблар учун счет-фактура асос бўлади.

**4. НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ**

4.1. «Маҳсулот етказиб берувчи» «Харидор»га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини етказиб бериши кафолатлайди. Етказиб бериладиган нефть маҳсулотларининг сифатига оид маълумотлар маҳсулот етказиб берилиши жараёнида тақдим қилинадиган сифат паспортига кайд этилади. Маҳсулот Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши лозим.

4.2. Нефть маҳсулотларини олишда «Харидор» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

**5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Агар етказиб берилган нефть маҳсулотларининг сифати, ассортименти, навлари стандарт техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб

